

# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 17 ноябрь, № 222 (6405) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф 2015 йил 17-18 ноябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.***

Ташриф дастуридан икки мамлакат раҳбарларининг учрашув ва музокаралари ўрин олган. Уларда Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида Қўшма декларация қабул қилиниши, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

### Ўзбекистон — Покистон:

## Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида

*Бугун Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келади.*

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Покистон билан алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, Покистон Ўзбекистонга Марказий Осиёнинг муҳим давлати сифатида қарагани ҳолда, мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоридир.

1991 йил 20 декабрда Покистон Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди, 1992 йил 10 майда эса давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Айнан мана шу икки муҳим сана замонавий Ўзбекистон — Покистон муносабатларида янги саҳифанинг очилиши ҳамда ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва манфаатдорлик тамойиллари асосидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун пойдевор яратди.

1992 йил июнь ойида Покистон Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф илк маротаба расмий ташриф билан Ўзбекистонда, ўша йилнинг август ойида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Покистонда бўлган эди. Шундан буён олий даражадаги мулоқот мунтазамлик хусусиятини касб этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил май ойидаги Покистонга расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланишига катта туртки бергани баробарида, алоқаларимизни янги, янада юқори даражага кўтарди. Покистон Бош вазирининг 2011 йил март ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида икки томонлама шерикликнинг ҳолати ва истиқболлари ҳақида атрофлича фикр алмашилди ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг изчил ривожланиши таъминланди.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ

### саноат корхоналарининг ривожига хизмат қилади



*Ўзбекистон мустақил тараққиёт йиллари даврида ишончли иқтисодий ҳамкор сифатида дунё ҳамжамияти эътиборига тушди. Ҳатто жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жараёнида ҳам барча йўналишда барқарор ривожланиш суръатлари таъминланмоқдаки, пировардида иқтисодиётимизга нисбатан қизиқиш тобора ортиб бораяпти.*

### МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

Ҳақиқатан ҳам, ўз бизнес фаолиятини мамлакатимиз билан боғламоқчи бўлган чет эллик сармоядорлар сафи йил сайин кўпаймоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 2,4 миллиард АҚШ доллари ёки 21,1 фоизини хорижий инвестиция ва кредитлар, шу жумладан, 1,8 миллиард долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилгани бунинг яққол далилидир. Қулай ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳитини яратиш, хорижий инвесторларга имтиёзлар тақдим этиш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазкур жараёнда кучли рағбатлантирувчи омил бўлди. Натижада чет эл капитали иштирокида кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилинди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, ташқи бозорда рақобатдош бўлган маҳсулотлар тайёрланишини ташкил этиш, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий қилишга қаратилган бундай лойиҳалар кўлами бундан кейин ҳам кенгайиб бораверади. Нега деганда, Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелдаги "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан қилинаётган изчил саъй-ҳаракатлар иқтисодиётимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ошиши, жалб этилаётган сармоялар оқими кўпайишида муҳим омил бўлаётир. Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро инвестициявий форум натижалари ҳам бунинг тасдиғидир.

Гап шундаки, дунёнинг 33 мамлакатидан 560 дан зиёд ишбилармонлар ва етакчи экспертлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари раҳбарлари иштирок этган мазкур тадбир доирасида умумий қиймати 12,4 миллиард АҚШ долларилик битим ва меморандумлар имзоланди. Ушбу келишувлар асосида амалий ишларга киришилгани, айниқса, қувонарлидир.

**(Давоми 2-бетда).**

## «Эртанги кун бизники, марра бизники!»

### Пойтахтимизда ана шу шиор остида Ёшлар ҳафталиги бошланди.

*Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама етук — жисмонан соғлом, интеллектуал ривожланган, нафақат кўплаб билимларни, ҳозирги даврда талаб катта бўлган касб-ҳунарларни ҳам эгаллаган, айни пайтда, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, юксак салоҳиятли ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек устувор мақсад мужассам.*

### ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Бинобарин, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда уларда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши таълим тизимида туб ўзгаришлар ясади. Ўз навбатида, бундай эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли эртамиз эгалари улкан муваффақиятларга эришмоқда.

Бу ҳақда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бошланган "Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остидаги Ёшлар ҳафталигида ҳам алоҳида таъкидланди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагоглар ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси, Бадиий академия, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбир ёш авлодни жонажон Ватанимизга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятлидир.

**(Давоми 2-бетда).**

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## ДЕПУТАТЛАР БАНДЛИК ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

*16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу ҳужжат мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этади ҳамда демографик омиллар ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўзаро боғланган ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилгандир. Дастурни ишлаб чиқишда меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати чуқур таҳлил қилинди.

Ушбу дастурнинг концептуал хусусияти шундан иборатки, 2016 йилда барча туманлар ва шаҳарлар бўйича иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга буюртма шакллантирилган. Шу асосда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари, биринчи навбатда, коллежлар битирувчиларининг тегишли сонига мувофиқ миқёсда ишлаб чиқилган. Дастурда кичик саноат зоналарини ташкил этиш, иш ўринларини захиралаш йўли билан иш ўринлари яратиш йўналишлари кенгайтирилиб, алоҳида ажратилган, шунингдек, аҳоли ва ёшларни, биринчи навбатда, коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг янги усулларидан фойдаланиш, коллежларда тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш бўйича ўқув-амалий курсларни ташкил этиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, дастурда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг, барча даражалардаги ҳокимликларнинг вазифалари аниқ тақсимланди, шунингдек, кичик бизнесга иш ўринлари яратишда муҳим ўрин ажратилди. Шу боисдан ҳам маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, тадбиркорлик субъектларининг вакиллари ушбу дастурни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этдилар. Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар Ҳукуматнинг 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижаларига ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Унда касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга, уларни мутахассисликлари бўйича, шунингдек, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган эди.

Мазкур дастур лойиҳаси аввал Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш мамлакатимизда муҳим устуворлик бўлганлиги ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш янги иш ўринларини ташкил этиш учун муҳим аҳамиятга молик эканлиги боис дастурнинг асосий кўрсаткичлари парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларидан иборат "Демократик кучлар блоки" йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияларининг йиғилишларида батафсил кўриб чиқилди.

**(Давоми 2-бетда).**

### «Электрон ҳукумат» тизими:

## МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ




***"Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.***

***Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт".***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси.

Барча соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, хусусан, электрон ҳукумат тизимини равнақ топтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу эса демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мухбиримиз мазкур тизимнинг аҳамияти, унинг тараққиёт тенденциялари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари вазирининг ўринбосари Нам Сок КИМ билан суҳбатлашди.

*— Аввало, "Электрон ҳукумат" тизими тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.*

— Маълумки, ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида дунёнинг

### ИСЛОҲОТ

ривожланган давлатларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш йўлидаги илк қадамлар қўйилган. Ҳокимият фаолияти самарадорлиги ва фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш даражасини юксалтиришда "Электрон ҳукумат"ни яратишга қаратилган кенг кўламли лойиҳалар бу борада муҳим омилга айланди.

Бундан кўзланган асосий мақсад — бошқарув ҳамда маъмурий иш унумдорлигини ошириш, фуқаролар, тадбиркорлик субъектларига кенг қулайликлар тақдим этиш ҳисобланади. Бинобарин, давлат органлари фаолиятига инновацияларни изчил жорий қилиш, бизнес соҳаси, ҳужжат айланиши механизмларини такомиллаштириш, "ягона ойна" тизимини яратиш катта аҳамиятга эга. Бу эса фуқароларга уйи ёки ишхонасидан туриб, электрон шаклда мурожаат қилиш, маълумотнома ва бошқа ҳужжатларни олиш ёки тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш имкониятини берадиган интерактив хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

"Электрон ҳукумат" тизими учта йўналиш — давлат идораларида иш самарадорлигини ошириш учун фаолият жараёнини ахборотлаштириш, барча турдаги ҳужжат ва маъмурий маълумотни электрон тарзда тайёрлаш, тўплаш, кўриб чиқиш, сақлаш; жисмоний ва юридик шахсларга интерактив давлат хизматларини тақдим қилиш; давлат идоралари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиб, маълумотлардан умумий фойдаланишни қамраб олади.

*— Мазкур тизим давлат ва жамият ҳаётида қандай ўзгаришлар, амалий самараларга сабаб бўлади?*

— Ушбу янгилик жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартиради, давлат бошқарувида шаффофлик ва ошкораликни таъминлайди. Пировардида унга бўлган халқ ишончи янада юксалади, тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар очилиб, ривожланади, мамлакат эса ўзининг имкониятларини дунёга намойиш этади.

**(Давоми 2-бетда).**

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми**

**28,5 триллион сўмни ташкил қилди.**

Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш, юқори технологияли муҳим ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширишни тезлаштириш, шу билан бирга, ҳудудлар саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилгани туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

## Ўзбекистон — Покистон:

# Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 42 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар ташкил қилиб, улар кўп қиррали муносабатлар тараққиётини самарали тартибга солиш имконини бераяпти.

Ўзбекистон ҳамда Покистон савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштиришдан бирдек манфаатдордир. Мамлакатларимиз мазкур йўналишлардаги алоқаларни мустаҳкамлашни кўзда тутувчи қатор ҳужжатлар, шу жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро сармоялар, капитал маблағларни ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисидаги битимларни имзоладилар.

Юртимизнинг тобора юксалиб бораётган салоҳияти, ривожланаётган транспорт коммуникациялари ва халқаро логистика марказлари, изчил модернизация қилинаётган саноати ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Покистон капитали иштирокидаги 57 та корхона мавжуд бўлиб, улар тўқимачилик, қоғоз, чарм-теридан тайёрланган буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, транспорт ҳамда сайёҳлик хизматларини кўрсатиш сингари соҳаларда фаолият юритаётир.

Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигининг мустаҳкамланишида маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. 1991 йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатаётган "Ўзбекистон — Покистон" жамияти ишбилармон, маданият ва илм-фан доиралари вакиллари ўртасида мунтазам равишда турли тадбирлар ўтказиш билан бирга, делегациялар алмашинувини ташкил қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ҳамда Покистонда урду ва ўзбек тилларини ўрганиш марказлари ишлаб турибди. 2003 йили Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан тузилган илк "Урдуча-ўзбекча луғат" Покистонда нашр этилди. 2009 йили мазкур олий ўқув юртида "Урду тили ва адабиёти хонаси" очилди.

Икки мамлакат илм-фан, маданият ҳамда санъат намояндалари илмий-амалий анжуманлар, фестиваллар ҳамда бошқа тадбирларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Хусусан, покистонлик санъаткорлар Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг анъанавий иштирокчилари ҳисобланади.

Покистонда Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк ўзбек олим ҳамда мутафаккирларининг бебаҳо маданий меросини яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Ўзбекистонда эса машҳур покистонлик шоир ҳамда файласуф Муҳаммад Иқбол ижодини юксак қадрлайдилар.

Шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Тошкентда бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокаралар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**

# Депутатлар бандлик дастурини тасдиқладилар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Депутатлар ўз сайловолди дастурларидан келиб чиққан ҳолда, бир қатор аниқ таклиф ва тавсиялар билдирдилар.

Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш ва фуқароларни тегишли кафолатлар билан таъминлаш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига юклатилганлигини эътиборга олиб, парламент қуйи палатасининг мажлисида ушбу вазирлик раҳбари А. Абдуҳакимов маъруза билан сўзга чиқиб, депутатларни дастурнинг асосий кўрсаткичлари, унинг концептуал янгилиги ва келгуси йилда аҳоли бандлигини таъминлаш механизмларининг ўзига хос хусусиятлари билан таништирди.

Мажлисда таъкидландики, дастур бандликнинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва пудрат қурилиши ишлари дастурларини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат бозорида иш кучига бўлган талаб ва таклифларнинг мутаносиблигини таъминлаш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш бўйича вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Дастурга мувофиқ, 2016 йилда 992,7 минг кишини ишга жойлаштириш назарда тутилган. Уларнинг 511,5 минг нафари таълим муассасалари битирувчиларидир. Шунингдек, хотин-қизлар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

2016 йилга мўлжалланган дастур лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама қилиш доирасида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Муҳокама иштирокчиларининг фикрига кўра, дастур ноёб ҳужжат бўлиб, унда аҳоли турли қатламларининг манфаатлари акс этган. Дастур сиёсий партиялар фракциялари, экспертлар, турли соҳа мутахассисларининг фикрлари ва таклифларини инобатга олган ҳолда ҳар йили такомиллаштириб борилмоқда.

— 2016 йилда дастурнинг бажарилиши доирасида меҳнат бозорида фаол чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, ишсизларни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш давом эттирилади, — дейди **Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Мавлуда Хўжаева**. — Шу муносабат билан фуқароларни мавжуд бўш турган, захира қилиб қўйиладиган ва янгитдан ташкил этиладиган иш ўринларига жойлаштириш, шунингдек, меҳнат қонунчилиги, мустақил ишга жойлашиш учун иш жойини танлаш бўйича текин маслаҳатлар бериш назарда тутилмоқда.

Меҳнат бозорини янада ривожлантиришнинг самарали омиллари сифатида турли шаклдаги бандликни, айниқса, кичик бизнес, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода таъкидлаш жоизки, 2015 йил 15 майда қабул қилинган Фармон ва унга мувофиқ айрим қонунларга шу йил август ойида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун амалий молиявий-иқтисодий механизмлар яратади.

— Жорий йил мобайнида депутатлар томонидан мазкур дастур ижроси бўйича назорат-таҳлил тадбирлари амалга оширилди, шу жумладан, Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги раҳбарларининг дастур кўрсаткичлари бажарилишининг бориши ҳақидаги ахборотлари эшитилиб, уларнинг натижалари бўйича кейинги йилларга мўлжалланган дастурларни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берилди, — дейди **Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Бандликни таҳлил қилиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Илҳом Аброров**. — Улар мазкур дастурни ишлаб чиқишда ҳисобга олинди.

Муҳокама чоғида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси депутатлари 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқладилар ҳамда тегишли қарор қабул қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.**



# Модернизация ва технологик янгиланиш

## саноат корхоналарининг ривожига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Foton" акциядорлик жамиятида Германиянинг "Soehnle Industrial Solutions GmbH" компанияси билан ҳамкорликда электрон тарозилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ҳаётга татбиқ қилинаётган инвестициявий лойиҳа — шулардан бири.

— Айни пайтда германиялик ҳамкорларимиз билан биргаликда тузилган бизнес-режага мувофиқ, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича жараён қизғин давом этаяпти, — дейди "Foton" акциядорлик жамиятининг бўлим бошлиғи Ҳотам Тўлаганов. — Хорижий инвестицияларни жалб қилиб, шунинг ҳисобига ажратилган бинони таъмирлаш, энг замонавий технологик линияларни ўрнатиш ана шулар жумласидандир. Бу каби ташкилий ишлар 2016 йилнинг бошида якунланиб, маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Мутахассисларнинг айтишича, бу ерда савдо, саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси учун кўплаб турдаги электрон тарозилар, жумладан, пахта ҳосилини дала шароитида тез ва аниқ тортиш, пахта толаси тойлари оғирлигини ўлчашга мўлжалланган тарозилар ишлаб чиқарилади. Энг муҳими, уларнинг жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бериши таъминланади. Масалан, савдо шохобчалари учун мўлжалланган тарозиларда маҳсулотнинг нафақат вазни, балки унинг баҳоси ҳам аниқ кўрсатиб берилади. Ёки бўлмаса, бошқа бир йирик ўлчов воситаси ёрдамида соатига 5 километр тезликда ҳаракатланаётган юк машинаси ва унинг юки ҳақида маълумот олиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, хорижлик инвесторлар "Foton" корхонаси билан ҳамкорлик қилиш истагини билдиришгани бежиз эмас. Чунки мазкур хўжалик юритувчи субъект электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича бой тажрибага, юксак салоҳиятли кадрларга эга. Ҳозирги кунда бу ерда Маҳаллийлаштириш дастури асосида LED экранли замонавий телевизорлар, назорат-касса машиналарининг янги моделлари, шунингдек, электротехника жиҳозлари қисмлари тайёрланаяпти. Бу нафақат ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, балки экспорт ҳажмини ошириш имконини бераяпти. Ўтган йили 17 миллиард 172 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлангани, шундан 3 миллион 617 минг АҚШ долларилик қисми экспорт қилингани бунга яққол мисолдир.

Мазкур кўрсаткичлар истиқболда ҳам муттасил ошиб бориши кутилаяпти. Сабаби, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича ишлар кўламини кенгайтириш жадал олиб борилмоқда. Хусусан, 2016 йилда 42 дюймли телевизорлар, назорат-касса машиналарининг замонавий моделини ишлаб чиқариш бўйича инвестициявий лойиҳалар тайёрланиб, уларнинг ижроси юзасидан чоралар кўрилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, иқтисодиётимизда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни диверсификациялашга қаратилган бу каби лойиҳалар саноат тармоқларини барқарор ривожлантириш, унинг рақобатдошлигини таъминлашга хизмат қилиши билан ғоятда аҳамиятлидир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# «Эртанги кун бизники, марра бизники!»

## Пойтахтимизда ана шу шиор остида Ёшлар ҳафталиги бошланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат мукофоти совриндорлари, тадқиқотчилар, санъат ва маданият соҳаси намояндалари ҳамда мода йўналишида ижод қилаётганлар, иқтидорли ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашаётган мазкур тадбирнинг очилиш маросимида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Б. Ғаниев ҳамда бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ҳар жиҳатдан етук авлодни вояга етказиш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш йўлида ибратли ишлар қилинаётганини таъкидлади.

Мазкур ҳафталик Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқ ўтказилиб, унда ўғил-қизлар турли йўналишларда маҳорат ва иқтидорларини намойиш этишмоқда.

Хусусан, ҳафталикнинг биринчи кунида Мода ва дизайн фестивалининг очилиши бўлиб ўтди. Унинг доирасида нафақат кўргазма, балки миллий либослар ҳамда замонавий модельерлар дефилеси, шунингдек, "Мода: муаммо ва ечим" илмий-амалий анжумани, соҳа вакиллари иштирокида маҳорат дарслари ташкил қилиниши ҳам кўзда тутилган.

Ёш ҳунармандлар томонидан намойиш этилаётган маҳсулотлар ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Айниқса, сопол идишлар, миниатюра асарлари ҳамда бошқа ижод намуналарида тарихимизга оид гўзал манзаралар маҳорат билан акс эттирилган.

Ёшлар ҳафталиги доирасида мамлакатимиздаги олтита олий таълим муассасасининг иқтидорли талабалари ўртасида "Тафаккур синовлари" танловининг якуний босқичи бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагоглар ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси ташаббуси билан "XXI аср — интеллектуал авлод асри" шиори остида ёш олимлар ҳамда талабаларнинг илмий-амалий конференцияси ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Ҳафталикнинг яна бир лойиҳаларидан бири Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилган "Янги нигоҳ" видеороликлар танлови совриндорларини тақдирлаш маросимидир. Мазкур танловга ҳозиргача турли йўналишлар бўйича 500 дан ортиқ ижодий иш келиб тушган. Ғолиблар ҳафталик давомида интернет фойдаланувчилари томонидан овоз бериш йўли билан аниқланади.

Қисқача айтганда, фестиваль мамлакатимизнинг шижоатли йигит-қизларини янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундаб, истеъдодларини тоблашда муҳим аҳамият касб этиши муқаррар.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қўшимча тармоқ имконияти

*Термиз тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси хом ашё захирасини ўзи таъминлаш имкониятига эга бўлди.*

## ИНТИЛИШ

Бу ерда 430 миллион сўм маблағ ҳисобига йилига 100 минг тоннадан зиёд асфальт тайёрлашга ихтисослаштирилган цех фаолияти йўлга қўйилди. Натижада жамоа сафига касб-ҳунар коллежларини битирган 15 нафар ишчи-мутахассис келиб қўшилди.

— Эндиликда бошқа ташкилотлардан хом ашё харид қилишимизга ҳожат қолмади, — дейди корхона раҳбари Тўлқин Қудратов. — Бу орқали тежаладиган 1 миллиард 200 миллион сўм миқдоридаги маблағ фаолиятимизни ривожлантиришга йўналтирилади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Электрон ҳукумат» тизими:

# Мамлакат тараққиётининг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, "Электрон ҳукумат" тизими берадиган ижтимоий-иқтисодий самараларнинг қийматини бирма-бир ҳисоблаб чиқиш жуда қийин. Энг муҳими, у давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг зарур шартидир.

Корея Республикасини олиб кўрайлик. Бу ерда олдинлари фуқаролар турли сабаблар билан давлат органларига йилига ўртача 11 марта бевосита ташриф буюриб, мурожаат этарди. Давлат интерактив хизматлари портали ишга тушганидан кейин ташрифлар сони 1 баробар қисқарди. Натижада аҳолининг йўлга кетадиган транспорт харажатлари тахминан 1 млрд. АҚШ долларига камайган. Бундан ташқари, вақт тежалишига ҳам эришилган.

"Ягона ойна" хизматларининг йўлга қўйилиши эса тадбиркорлик субъектини ташкил қилиш бўйича 3 йил ичида тахминан 13,8 млрд. АҚШ долларини тежаб қолиш имконини берган. Давлат органларида ҳам иш унумдорлиги ошади. Масалан, маъмурий иш жараёнлари тизими жорий қилиниши боис давлат хизматчиларининг муайян масалани кўриб чиқишга сарфланадиган ўртача вақти 6 соату 32 дақиқадан 3 соату 27 дақиқагача қисқарди.

*— "Электрон ҳукумат" тизимини муваффақиятли жорий қилишнинг асосий шартлари нималардан иборат?*

— Бу, энг аввало, раҳбар ходимлардан қизиқиш, ташаббус, саъй-ҳаракат ва фаол қўллаб-қувватлаш, ҳар бир вазирлик ҳамда идораларнинг масъул ходимларидан эса жонкуярлик билан ҳаракат қилишни талаб этади. Айни чоғда техник қўллаб-қувватлашга масъул ташкилотда профессионаллик бўлиши шарт. Бундан ташқари, эскича иш услубини инновациялар асосида ўзгартириб боришда қатъийлик лозим. Кейинги босқичда интернетдан барча фуқароларга арзон нархда ва қулай тарзда фойдаланиш имкониятини берадиган шароит яратиш айни муддаодир. Шу билан биргаликда ҳукумат интернет орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига керакли маълумотларни очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлаган ҳолда тақдим қилиши жоиз. Айнан фойдали ва долзарб хизматларгина аҳолининг "Электрон ҳукумат"га нисбатан қизиқиши ҳамда эътиборини оширади.

Қолаверса, мамлакат миқёсида АКТ саводхонлиги бўйича махсус ўқув курслари ўтказиш, давлат хизматчилари учун ўқув дастурини ишлаб чиқиш, мажбурий тарзда ўқитишни белгилаб қўйиш талаб этилади. Мисол учун, Корея Республикасида 2000 — 2002 йиллар давомида мамлакат миқёсида 10 миллионга яқин киши компьютер саводхонлиги бўйича таълим олган.

*— "Электрон ҳукумат"нинг яна қандай муҳим жиҳатлари бор?*

— Булар электрон тижорат ва электрон соғлиқни сақлаш атамалари билан юритилади. Мазкур икки тушунча ушбу соҳаларга АКТни кенг татбиқ қилишни англатади.

Жумладан, соғлиқ ва даволаниш тўғрисидаги маълумотларнинг электрон тарзда алмашинуви, интернет орқали масофавий ташхис қўйиш, реал вақт режимида соғлиқ бўйича ахборотларни тақдим қилиш сингари хизматларнинг янгича кўринишлари катта қулайлик туғдиради. Бу борада тиббиёт муассасаларида сақланадиган шахсий тиббий карточкаларни электронлаштириш муҳим ҳисобланади. Бунда фуқароларнинг соғлиғи бўйича маълумотларни қайд этиш, таҳлил қилиш, сақлаш учун "Electronic Medical Record" ҳамда "Electronic Health Record" тизимлари яратилади. Булар тиббиёт муассасалари ва тармоқлари ўртасида маълумот алмашинуви, ташхис қўйиш, даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Электрон тижорат эса товар олди-сотдиси ва хизматлар кўрсатиш бўйича жараёнлар (буюртма, тўлов, ижро)нинг бутунлай ёки қисман электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилиши ҳисобланади. Интернет-шоппинг, интернет-банкинг тушунчалари бунинг узвий жиҳатларидир.

*— Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг бу борадаги ўрни қандай?*

— Мазкур портални жисмоний ва юридик шахслар учун ягона ойна хизматларини тақдим қилувчи ўзига хос "электрон офис"га қиёслаш мумкин. "Бир тугма"("one click") усулида хизматларни тақдим қилиш учун эса вазирлик ҳамда идораларнинг идоралараро тизимлари мукаммал даражада бўлиши керак. Шундай ҳолатлар борки, ягона портал орқали қилинган мурожаатлар хусусиятига кўра бир неча идорага тааллуқли бўлиши мумкин. Уларни кўриб чиқишда нафақат вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан фойдаланилади, балки идоралараро ҳамкорлик учун ахборот тизимларининг интеграцияси ҳам жуда муҳимдир. Бунда ҳар бир вазирлик ҳамда идорада бошқарув фаолияти самарадорлиги ва унумдорлигини ошириш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга ихтисослаштирилган бир қанча ахборот тизимларидан ташкил топган механизмни йўлга қўйиш лозим. Айнан шу қулайликнинг техник инфратузилмасини юқори тезликдаги "Электрон ҳукумат" тармоғи ташкил қилади. Шунингдек, бошқарув фаолиятида корпоратив ахборот, қарорларни электрон тарзда қабул қилиш каби тизимларни жорий этиш зарур.

Ўз навбатида, ягона порталнинг комплекс ахборот тизимлари билан интеграциясини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Зотан, шу асосда интерактив хизмат кўрсатиш янги босқич ва даражага кўтарилади. Бундай комплекс ахборот тизимлари сирасига миллий географик, автотранспорт воситалари, соғлиқни сақлаш, таълим, давлат буюртмалари, божхона, солиқ, коммунал хизматлар ҳамда бошқалар киради.

Бу эса масъул вазирлик ва идораларда иш унумдорлиги ошишини таъминлайди ҳамда ягона портал орқали янги-янги хизматларни тақдим қилишга имконият яратади.

Умуман, аҳолига он-лайн тарзда маълумотлар, ариза топшириш каби хизматлардан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини яратиш ахборотлашган жамиятнинг муҳим шартидир.

*— Юртимизда мазкур соҳада қандай ютуқ ва натижаларга эришилмоқда?*

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида иқтисодиётнинг барча соҳаси, кундалик ҳаётга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини изчил жорий этиш, "Электрон ҳукумат"ни ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Пировардида давлат органлари мазкур афзалликнинг аҳамиятини англаб етган ҳолда, бу йўналишда зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда давлат интерактив хизматлари сони 1088 тага етди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 438 тага кўпдир. Мамлакатда интерактив давлат хизматларини ривожлантириш бўйича кўрилган чоралар натижасида солиқ (soliq.uz) ва статистик ҳисоботлар (stat.uz)ни электрон шаклда топшираётган тадбиркорлик субъектлари улуши 100 фоизга етди.

2015 йилнинг 1 апрель ҳолатида 220 мингдан ортиқ фирмалар ўз номларини интернет орқали резерв қилиб қўйган. Илгари божхона юк декларацияларини қоғоз шаклида расмийлаштириш жараёнига камида 25 соат вақт сарфланган бўлса, эндиликда customs.uz тизими орқали бу жараён бир неча дақиқаларда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг маълумотларига қараганда, 2014 йилда экспорт-импорт операциялари юзасидан расмийлаштирилган божхона юк декларацияларининг 402 мингдан ортиғи ёки 98,7 фоизи электрон тарзда тақдим этилган. Хўжалик судларига электрон шаклда (economical-court.uz) даъво аризалари, расмий илтимосномалар бериш имкониятларидан самарали фойдаланилаётганини ҳам айтиш ўринли.

Мазкур рақамларни бежиз келтираётганим йўқ. Чунки қисқа вақт ичида қўлга киритилган натижалар бугун юз минглаб фуқароларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилмоқда. Бу эса шакллантирилаётган тизим истиқболда ўзини оқлашига тўла ишонч ҳосил қилиш имконини беради.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, самарали "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш фақатгина техник инфратузилмага боғлиқ масала эмас. Бунга ҳар тарафлама уйғун ёндашиш, шошмашошарлик қилмасдан, лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Аввало, ҳар бир давлат идорасининг раҳбаридан тортиб, оддий ходимигача АКТга бўлган муносабатини ўзгартириши, унинг аҳамиятини англаши ва шунга кўра, иш услуби, жараёнларини ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқиши, уларни янада модернизация қилиш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишини назарда тутувчи, шунингдек, давлат идораларининг ўзаро ҳамкорлигида қилинадиган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида ички иш жараёнларини қайта ташкил қилиш, ҳудудларни ахборотлаштириш учун тегишли норматив базанинг ишлаб чиқилиши ва татбиқ этилиши давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари олдида турган долзарб масалалардан саналади.

Бунда, биринчи навбатда, иш фаолиятини модернизациялаш ва ахборотлаштиришни параллел равишда олиб бориш, дастлабки лойиҳаолди тадқиқотларни ўтказиш, хусусан, интерактив хизматлар бўйича эҳтиёж ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш, мавжуд ҳолатни аниқлаш, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида таклифлар, лойиҳа концепциясининг ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади.

Умуман айтганда, Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" тизимини татбиқ этиш учун барча имконият ва шароит етарли.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Саиджон МАХСУМОВ**
**суҳбатлашди.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Японияда янги реактив йўловчи самолёти илк синов парвозини муваффақиятли ўтказди, дейилади “Reuters” ахборот агентлиги хабарида.*

## Муваффақиятли парвоз

“MRJ” русумидаги лайнер Нагоя аэропортидан ҳавога кўтарилиб, бир соат парвоз қилган. “Mitsubishi Aircraft Corporation” мутасаддиларининг таъкидлашича, бундай тезучар ва ёнилғи тежамкор авиатранспорт воситалари 2017 йилдан бошлаб оммавий равишда ишлаб чиқарилади ҳамда сотувга қўйилади. Янги маҳсулотга қизиқиш юқори. Буни ҳозирданоқ унга икки юздан зиёд буюртмалар келиб тушганидан ҳам билиш мумкин.

## Келгуси йил учун тахмин

*Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига қараганда, 2016 йилда жаҳон миқёсида нефтга бўлган кунлик талаб 1,8 миллион эмас, балки 1,2 миллион баррелга камаяди.*



Ўз навбатида, агентлик “қора олтин” захираси рекорд даража — 3 миллиард баррелга етганини билдирди. Лекин қатор мамлакатлар бозордаги ўрнини сақлаб қолиш учун углеводород хом ашёсини янада кўпроқ қазиб олишни давом эттирмоқда. Бу ҳолат келгуси йилда талаб ва таклиф ўртасида катта фарқ юзага келишига сабаб бўлади.

## Акциялари нархига таъсир қилди

*Буюк Британиянинг мобиль алоқа компанияси — “Vodafone” жорий молиявий йил (1 апрелдан келгуси йилнинг 31 мартигача бўлган давр)нинг дастлабки олти ойини кутилганидан зиёдроқ даромад билан якунлади.*

“Euronews” телеканали хабарига кўра, фойдаланувчилари сони кўплиги бўйича дунёда иккинчи ўринда турувчи мазкур оператор ушбу муваффақиятни “кўҳна қитъа”нинг бир қатор давлатлари бозорида кузатилаётган барқарорлик билан изоҳлади. Масалан, у хизмат кўрсатадиган Европадаги 13 та мамлакатдан 7 тасида савдо кўрсаткичлари сезиларли даражада ошган. Шу боис компания яқин орада мижозларига 4G тармоғини тақдим этишни ҳам режалаштирмоқда.

“Vodafone” фаолиятидаги ижобий ҳолат унинг Лондон биржасидаги акциялари нархи 5 фоиз кўтарилишига туртки берди.

## Музлик эриб бормоқда

*Гренландиянинг шимоли-шарқида жойлашган ва майдони 90 минг километр квадратга тенг “Zachariae Isstrom” музлиги эриб бормоқда.*



“Science” журналида қайд этилишича, у йилига 5 миллиард тонна муз йўқотаяпти. Бунга глобал исиш жараёни ва унинг тубини ювиб турган илиқ сув оқими сабаб, дея тахмин қилинаётир.

Геофизикларнинг фикрига қараганда, агар ушбу музлик тўлиқ эриб кетса, Тинч океани сатҳи 46 сантиметр кўтарилади.

## Кўчки содир бўлди

*Хитой шарқидаги Лишуй қишлоғида кўчки содир бўлди.*

Оқибатда 21 киши ҳаётдан кўз юмди, 16 киши бедарак йўқолди. “AP” ахборот агентлигининг ёзишича, 30 га яқин уй кўчки остида қолган. Айни пайтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Бу тадбирга икки мингдан ортиқ қутқарувчилар, ҳарбийлар, полициячилар ва 60 та техника воситаси жалб қилинган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

MIKROKREDITBANK

*Ёшлик — инсон умрининг энг шижоатли даври. Шу паллада ўқиб-ўрганиб, бирор бир касб этагидан тутганнинг ҳаёт йўли равон, келажаги ойдин бўлади.*

*Бугунги кунда юртимизда ёш авлод вакилларининг эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароит яратилган. Билим олишга иштиёқманд йигит-қизларга замонавий таълим масканлари мунтазир.*

# Ёш тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳалари

“Микрокредитбанк” томонидан қўллаб-қувватланмоқда

Қолаверса, замонавий касб эгаларига меҳнат қилишлари учун энг илғор технологиялар билан жиҳозланган корхона ва ташкилотларнинг эшиги очиқ. Айниқса, кейинги йилларда республикамиз иқтисодиётининг таянч кучига айланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ёш мутахассислар ҳисобига кенгайиб бораётгани диққатга сазовордир.

Таъкидлаш жоизки, ёшларни тадбиркорликка жалб қилишда Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги Фармони асосида фаолият юритиб келаётган “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Гап шундаки, мазкур молия муассасасининг жойлардаги 85 та филиали ва 142 та минибанки томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда жисмоний шахсларга, шу жумладан, эртамиз эгалари бўлмиш йигит-қизларга кенг кўламли хизматлар таклиф этилаяпти. Хусусан, кредитлар имтиёз асосида берилаётгани уларнинг иши янада равнақ топишида айни муддао бўлаётир. Масалан, ҳозирги кунда банк томонидан ишбилармонларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 18 ойгача бўлган муддатга йилига 3 фоизлик устама билан бошланғич сармоя сифатида энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача, айланма маблағни тўлдириш учун эса Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизлик устамаси билан 24 ойгача бўлган муддатга энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорида сармоялар ажратилмоқда.

Шу билан бирга, банк ходимлари томонидан жойларда доимий равишда турли семинар, тренинг ва давра суҳбатлари ўтказилаётгани ёшларнинг бизнесга қизиқишини тобора оширмоқда. Бунда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази билан ҳамкорликда коллежларнинг охирги босқич ўқувчиларини ишбилармонликка жалб қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилгани, айниқса, қўл келаяпти. Жорий йилнинг 9 ойида ёш мутахассисларнинг бизнес-режаларини молиялаштириш учун 38 млрд. сўм миқдорида сармоя йўналтирилгани ана шундан далолат беради.

Бундан ташқари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда йўлга қўйилган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси иштирокида амалга оширилаётган “Менинг бизнес ғоям” танлови, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Марказий банк ташаббуси билан ўтказилаётган “Диплом билан — бизнесга” ўқув-семинари ҳам ўз самарасини бермоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки жамоаси ишбилармонларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали кичик корхоналарнинг бошланғич маблағини шакллантириш ва айланма маблағини тўлдириш, қолаверса, бозор ўзгаришларига тез мослашувчи тадбиркорлик субъектлари сафини янада кенгайтириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Бу жараёнга ёшларнинг кенг жалб қилинаётгани, айниқса, эътиборга моликдир.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЭЪЛОНЛАР


## Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратурасига 2015 — 2017 ўқув йиллари учун тингловчилар қабул қилиш тўғрисида

Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази «Бизнесни бошқариш магистри» — «Магистр управления бизнесом» («Master of Business Administration — MBA») мутахассислиги бўйича 2015 — 2017 ўқув йиллари учун магистратурага қабул тўғрисида эълон қилади.

Ўқиш кундузги шаклда икки йиллик магистратура таълим дастури бўйича контракт-тўлов асосида ташкил этилади. Битирувчиларга магистр даражаси ва давлат намунасидаги диплом берилади.

Магистратурага олий маълумотли (дипломли мутахассис, бакалавр), олий таълим муассасасини битиргандан сўнг камида уч йиллик иш стажига эга, 40 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан хўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг раҳбар ходимлари ҳамда мутахассислари тест синовлари йўли билан очиқ танлов асосида қабул қилинади.

Тест синовлари қуйидаги йўналишларда ўтказилади: чет (инглиз, француз ёки немис) тили, Ўзбекистонда демократик жамият ва давлат қурилиши назарияси ва амалиёти, мутахассислик фанлари.

Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратураси тингловчилари учун ўқиш даврида улар эгаллаб турган иш ўринлари (лавозимлари) ва иш ҳақи сақлаб қолинади.

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2015 йил 12 ноябрдан 12 декабргача.**

**Қабул комиссияси душанбадан жума кунигача соат 9.00 дан 18.00 гача ва шанба куни соат 9.00 дан 14.00 гача Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг қуйидаги манзили бўйича фаолият кўрсатади: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.**

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: (+99871) 233-82-88.**

**Web-саҳифа: www.hsb.uz ёки www.corporategovernance-centre.uz**

1702А/799



## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2015 йил 17 декабрь куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига қуйидагилар қўйилади:**

● Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 1-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди балансидаги, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/943 UAA бўлган, «Iveco-M29» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 25 874 432 сўм.***

● Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Халқобод кўчаси, 8-уйда жойлашган, Давлат геодезия назорати инспекцияси балансидаги, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/644GCA бўлган, «Nexia» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 14 699 000 сўм.***

● Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Юнусобод» ҚФЙ, Дархон қишлоғида жойлашган, «Davlat belgisi» ДИЧБ Тошкент қоғоз фабрикаси балансидаги, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «АБП-8С» русумли автомобилларга ёқилғи қуйиш контейнер блок пункти.

***Бошланғич баҳоси — 6 452 900 сўм.***

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун мулк бошланғич баҳосининг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукцион савдоси ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан кам бўлган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари ва контейнер блок пункти юқорида белгиланган савдо кунида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситалари ва контейнер блок пунктига қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали). Мурожаат учун тел./факс: (0-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

* * *

«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2015 йил 29 октябрь куни ўтказилган аукцион савдоси натижаларига кўра, «Ўзэкспомарказ» АЖ МКК балансидаги, давлат рақами 01/489 FBA бўлган «ГАЗ-5201» русумли автотранспорт воситаси — 3 900 000 сўмга сотилганлиги ҳамда Ирригация хўжалиги ва кўкаламзорлаштириш объектларини таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармасининг 2015 йил 9 ноябрдаги 264-сонли хатига асосан, давлат рақами 23-77 ЕК бўлган «ТТЗ-80-10» русумли трактор ҳамда давлат рақами 01/491 САА бўлган «КАВЗ-3270» русумли, давлат рақами 01/490 САА бўлган «ЗИЛ-130 АЦ-40» русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Шунингдек, «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки улушлари бўйича газетанинг 2015 йил 29 октябрдаги 209-сонида чоп этилган эълондаги савдо кунларидан бири Конституция кунига тўғри келиб қолганлиги туфайли, эълондаги «2015 йил 1, 3, 8 ва 10 декабрь кунлари» жумласи «2015 йил 1, 3, 10 ва 15 декабрь кунлари» деб ўқилсин.

1696А/30

*Гувоҳнома № 005357.*


# Малака ва касб маҳорати

*Гулистонда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда ассоциациянинг вилоят бўлими ҳамкорлигида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.*

КОНФЕРЕНЦИЯ

Унда Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги умумий амалиёт ҳамда тиббиёт тизимининг бошқа бўғинларида фаолият кўрсатаётган шифокорлар, ассоциациянинг республикамиздаги ҳудудий бўлимлари вакиллари ва соҳанинг етакчи олимлари иштирок этди.

Тадбирда аҳолининг касалланиш кўрсаткичларига таъсир қилувчи хатарли омиллар ҳамда уларнинг олдини олишдаги долзарб вазифаларга оид йигирмага яқин маърузалар тингланди. Таъкидландики, кейинги йилларда халқимиз турмуш фаровонлиги, ҳаёт тарзи тобора юксалиб бормоқда. Бунда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг ҳам аҳамияти беқиёс. Соҳанинг моддий-техника базасини яхшилаш, тиббиёт муассасаларини модернизациялаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, врачлар малакасини узлуксиз ошириб бориш сингари омиллар ана шулар жумласидандир.

— Аҳоли, айниқса, кексалар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда умумий амалиёт шифокорлари зиммасида катта масъулият бор, — дейди Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Сирдарё вилояти бўлими раиси Ботир Мирзаев. — Шу боис уларнинг малакаси ҳамда касб маҳоратини кучайтириб боришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, мазкур конференцияда ҳам қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият кўрсатаётган кўплаб тиббиёт ходимлари даволаш-профилактика ишларининг қатор йўналишлари бўйича зарур маълумотларга эга бўлишди.

Конференция доирасида фармацевтика корхоналари томонидан юртимизда ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Барча турдаги юк автомобиллари ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун ШИНАЛАР**



Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

1585R/740

**Тел.: (+99895) 170-32-52. Факс: (+99871) 250-07-40.**



## ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИГА ҚАБУЛ

**«Ўзбекистонда касб-ҳунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган касб-ҳунарга ўқитиш марказига**

**ўқувчилар қабул қилинади.**

Марказда ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш (қайта тайёрлаш) қуйидаги асосий йўналишлар бўйича бепул амалга оширилади — автомобилларни диагностика қилиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (авточилангарлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар), машинасозлик ишлаб чиқариши (токарлар, фрезерчилар, пайвандчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), электр ҳамда электроника (электрон техника, радио ва телеаппаратураларни таъмирлайдиган мутахассислар), ахборот технологиялари (ҳисоблаш машиналари операторлари, компьютер ва бошқа оргтехникага хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича мутахассислар).

Марказда касб-ҳунарга ўқиш муддати — 10 ой, шундан марказда ўқиш — 6 ой, корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти — 4 ой.

Касб-ҳунарга ўқитиш марказига ҳужжатлар туман (шаҳар) бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси асосида қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги касб-ҳунарга ўқитиш маркази битирувчиларига эгаллаган касби (мутахассислиги) бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом берилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ариза, паспорт (асли ва нусхаси), касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ёки ўрта таълим мактабининг 11-синфини битирганлик тўғрисида ҳужжат (аттестат ёки диплом, асли ва нусхаси), Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан берилган йўлланма, соғлиғи тўғрисида маълумотнома (086 форма), 3,5х4,5 см. ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат.

***Ҳужжатлар 2015 йил 15 ноябрдан 15 декабргача қабул қилинади.***

*Гувоҳнома № 001537.*

1701R/789

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 8-даҳа.**
**Мурожаат учун тел.: (+99871) 251-19-03, 251-26-91. / www.vtct.uz / www.mehnat.uz /**



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2015 йил 30 ноябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 5 январдаги 89-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Мироншоҳ кўчаси, 4-уйда жойлашган уй-жой (бузилган ҳолатда).

***Бошланғич баҳоси — 404 393 796 сўм.***

**2.** Самарқанд шаҳар СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2015 йил 5 январдаги 14-1405/14842-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Чўпонота маскани, «Самарқанд сиёб савдо» унитар корхонаси ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 540,15 кв.м., фойдаланиш майдони 468,83 кв.м. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

***Бошланғич баҳоси — 461 597 000 сўм.***

**3.** Ургут тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2015 йил 9 июндаги 14-1516/3519-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургут шаҳри, Дўстлик маҳалласида жойлашган, ер майдони 208,08 кв.м. бўлган савдо дўконлари биноси.

***Бошланғич баҳоси — 112 500 000 сўм.***

***Талабгорлар диққатига!***

Ушбу кўчмас мулклар аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 2015 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (0-366) 234-06-38.**

Хизматлар лицензияланган.

1704R/34

# Боботоғнинг гўзал боғи



*Юртимиз замини — битмас-туганмас хазиналар булоғи. Тупроғи — зар. Суви — олтин. Ҳар қарич еридан ризқу насиба унади. Ҳар тошида бир ҳикмат бор. Ҳар гиёҳи минг дардга даво. Шу боис табиат гўзаллиги, унинг энг тотли неъматлари ҳақида сўз кетганда, аввало, Ўзбекистон номи ҳавас билан тилга олинади.*

**ДИЛ СЎЗИ**

Сурхон воҳасидаги қадим Боботоғ этаклари ҳам ана шундай бетакрор манзиллардан бири. Ушбу заминнинг таърифу тавсифи, мана, асрлар оша достонларда куйланади. Алпомиш от сурган адирлар сифатида тиллардан-тилларга кўчади.

Қаранг, истиқлол шарофати билан ана шу қадим тепаликлар ўрни унумдор ерларга айланди. Ҳозир бу ҳудуднинг тоғу тошлари ҳам элимизга саховат, барака улашмоқда. Албатта, бунда, оз бўлса-да, ҳиссамиз борлигидан қувонамиз, фахрланамиз.

Зеро, мустақиллик бизга эмин-эркин меҳнат қилиб, фаровон ҳаёт кечириш имконини берди. Интилган, изланган инсон асло кам бўлмайдиган юртда, даврда яшаяпмиз бугун. Деҳқон даласида ризқ ундираяпти. Боғу роғлар яратмоқда. Тадбиркорнинг ишбилармонлиги унга даромад, халққа эса наф келтираётир. Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик-осудалик, инсон қадри улуғланаётганининг самарасидир.

Кексаларимизнинг айтишича, бир пайтлар Боботоғнинг Ёрма, Жийда, Қоплонсой, Сипо, Турпи, Калтақул, Тўнғизўлди деб номланган ҳудудлари қалин пистазорлар билан қопланган экан. Афсуски, мустабид тузум даврида табиатга ўтказилган аёвсиз зуғум туфайли ана шу дарахтзорлардан асар ҳам қолмади.

Ниҳоят истиқлол туфайли яратувчанлик ишларига кенг йўл очилди. Деҳқоннинг елкасига офтоб тегди. Астойдил меҳнат қилиб, бунинг роҳатини кўрадиган бўлдик. Фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Эл дастурхонига янада файзу барака қўшиш йўлидаги эзгу ташаббуслар қўллаб-қувватланди. Ишбилармон инсонларга қатор имтиёзлар берилди. Ўшанда ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Боботоғ этагидаги 10 гектар майдонда лалми боғ яратишга қарор қилдим. 2000 йилда фермер хўжалигини ташкил этиб, ишга киришдим. Бироқ танлаган ерларимизда тикандан бўлак гиёҳ ўсмасди. Шу боис анча тер тўкишга тўғри келди. Чангалзорлар ўрнига 4 минг тупдан зиёд кўчат экиб, пистазор барпо қилдик. Ниҳолларни елим идишларда кўкартириб, кўклам келиши билан кеч кузда кавлаб қўйилган, ёмғир ва қор сувларига тўйинган ҳандақларга қадаб чиқдик. Ҳар бир кўчат илдиз отиб кетгунича сувни узмадик. Бугун пистазорларимиз шиғил ҳосилга кирган. Қолаверса, равоч, каврак сингари доривор ўсимликларни ҳам ўстираяпмиз. Келгусида эса пистазорлар майдонини янада кенгайтирмоқчимиз.

Яна бир янгилик. Ҳозир боғ яратиш истагидаги тадбиркор ва ишбилармонларни ўз сафимизга чорлаяпмиз. Она табиат биздан мадад кутаётган экан, тиллага тенг вақтимизни ундан аямай, Боботоғни яшнатишга чорлаяпмиз. Зеро, ерга меҳр берган инсон, албатта, меҳр кўради.

**Ўрол КОКИЛОВ,**
**Узун туманидаги «Ўрол Кокилзода» фермер хўжалиги раҳбари.**

---

**ИЗЛАНИШ**

*Хоразм қовунлари довруғи азалдан дунёга машҳур. Шу боис ушбу тотли неъматнинг хорижда ҳам харидорлари бисёр. Буни ҳисобга олган тадбиркор Саъдулла Хўжаев ташқи бозор талабларини пухта ўрганиб, янгиликка қўл урди.*

# Довруғи дунёга машҳур

Натижада Урганч туманининг Бекобод қишлоғида чет эл инвестицияси иштирокида "Хоразм қовунлари" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Шу тариқа воҳада етиштириладиган қовунларни замонавий усулда қайта ишлаб, экспортга жўнатиш имконияти яратилди.

— Қиймати 500 минг АҚШ долларилик технологияларимиз йилига 300 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга, — дейди корхона раҳбари С. Хўжаев. — Ушбу илғор ускуналар ёрдамида пўчоғидан ажратиб олинган қовун мағзи қайта ишланиб, қадоқланади ва музлатилади. Унинг уруғлари эса саралаониб, қуритилиб, келгуси йил ҳосили учун фермер хўжаликларига тарқатилади. Эътиборлиси, маҳсулотларимизни тўлиқ экспортга жўнатишни режалаштираяпмиз.

Яна бир муҳим жиҳати, 25 кишининг бандлиги таъминланган корхонага экспортбоп қовун етиштириш учун 50 гектар ер майдони ажратиб берилган. Бу ерда ҳосилни сифатли сақлаш мақсадида 400 тонна сиғимга эга музлаткич ҳам бунёд этилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Созлар оҳанрабоси

*Ўзбекистон давлат консерваториясида "Созлар навоси" республика ёш мусиқачилари танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.*

**ТАНЛОВ**

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида уюштирилган мазкур ижодий беллашувда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган истеъдод соҳиблари ўз маҳоратларини намойиш қилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда эртамиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Бу борада ташкил этилаётган анъанавий кўрик-танловлар, ижодий фестиваллар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай тадбирлар истеъдод соҳиблари учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

"Созлар навоси" 15 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ўртасида ўтказилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 700 нафардан зиёд ёшлар қатнашди. Улардан 80 нафари республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Биз, ёшларга кўрсатилаётган имконият ва ғамхўрликдан чексиз ғурурланамиз, — дейди танлов қатнашчиси, Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги иқтидорли болалар академик лицейи ўқувчиси Умида Асомиддинова. — Бундай эътибор бизни улкан ижодий марралар сари етаклайди. Мақсадимиз — шу дутор билан жаҳон саҳналарида ўзбек мумтоз санъатини тараннум этиш.

Айтиш жоизки, танлов иштирокчиларини баҳолашда нафақат уларнинг маҳорати, балки саҳна маданиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Якунда танбур ижрочиси, Қашқадарё вилоятидан Ҳусниддин Холиқов, рубоб ижрочиси, сирдарёлик Дилшод Каримов, сурнай ижрочиси, қорақалпоғистонлик Сарвар Худойбердиев сингари ўн олти нафар иқтидорли ёш турли йўналишлар бўйича ғолибликни қўлга киритди ва ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир доирасида иштирокчилар учун Ўзбекистон давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари иштирокида "Маҳорат сабоқлари", "Халқ чолғулари ижрочилигида ёшлар фаоллигини ошириш масалалари" мавзуида илмий анжуман ҳамда ўзбек миллий чолғулари тарихи, уларнинг халқимиз маданий ҳаётида тутган ўрнига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

---

**ҚАТЪИЯТ**

*Юртдошимиз Мастура Остонова марафонча юришда тенгсиз спорт фахрийларидан бири саналади. Яхшироқ тасаввурга эга бўлишингиз учун алоҳида қайд этмоқчимиз: марафонча юриш масофаси роппа-роса 42 километру 195 метрни ташкил этади.*

# Аёл иродаси

— Жисмоний тарбия факультетида таҳсил олганман, — дея талабалик даврини эслайди Мастура опа. — Устозларимдан бири "Ўқишни тугатгунга қадар биринчи разрядли спортчи нормативини бажарсанг, қандоқ хурсанд бўлардим", дегани худди кечагидек ёдимда. Спортча юриш билан мунтазам шуғулланиб, ниятимга етдим. Ўн километр масофада яхши натижа қайд этиб, устозимнинг ишончини оқладим. Кейинчалик спорт усталигига номзод бўлдим.

Ҳаёт дарёси бир текис оқмайди. Мастура опа бир муддат хасталикка чалиниб, жарроҳлик столига етишга мажбур бўлди. Оқибатда узоқ вақт спортдан йироқлашди. Бунинг устига шифокорлар унга энди енгил атлетика билан хайрлашишни тавсия этишди. Шу тариқа у деярли 21 йил юриш йўлагига чиқмади. Аммо ўтган йиллар давомида опа бир нарсасини йўқотган кишидек юрди. Бундай пайтда одам ўзини соғлом деб ҳис қилиши мушкул. Мастура опанинг юрагида "Спортга, албатта, қайтаман" деган ният туғилди. Шундай ҳам бўлди. 2007 йилдан бошлаб худди аввалгидек спортча юриш билан шуғулланишга киришди. Чурра касаллиги билан оғриб, яна енгил атлетикага қайтишга ҳар ким ҳам ботина вермайди. Буни қарангки, инсондаги қатъият, ирода ва журъат кўп нарсага қодир экан. Касаллик ҳамда унинг асоратини опахон спорт билан енгиб ўтди. Ўзи эътироф этганидек, ҳаловатни спортдан топди.

— "Бухоро" спорт мажмуасига келиб, таниқли енгил атлетикачи, айни дамда мураббийлик фаолияти билан машғул Амир Гарифуллиндан кўмак сўрадим, — дейди Мастура опа. — Марафонча юриш мақсадида эканимни айтдим. У ёрдамини аямади. Керакли йўл-йўриқ олдим. Мендан анча ёш бўлишига қарамай, Амирни ҳозир ўзимга устоз, деб биламан.

Ҳафталаб, ойлаб давом этган машғулотлар зое кетмади. Мастура опа узоқ масофага юриш сир-асрорларини ўрганди. Муҳими, ўзига бўлган ишончи ортди. 2012 йилнинг сентябрида хорижда ташкил этилган халқаро марафон қатнашчилари сафидан ўрин олди. Тўғри, бундай йирик турнирда илк бор қатнашаётгани боис уни обдан тиббий кўрикдан ўтказишди. Ўшанда кардиолог шифокор "Ўзбекистонлик бу опамиз 50 километрга юрса ҳам, организми дош беради", деб турнир ташкилотчиларини хотиржам қилганди.

— 2013 йилги мазкур мусобақада масофани 3 соату 51 дақиқа 18 сонияда босиб ўтдим ва менга халқаро спорт техник комиссияси томонидан спорт устаси унвони берилди, — дейди М. Остонова. — Мана, бир неча йилдирки, халқаро марафон турнирларида мунтазам қатнашиб келаяпман. Жорий йилда ташкил этилган мусобақада 55-59 ёшли фахрий спортчилар ўртасида иккинчи ўринни эгалладим.

Мастура опа спортга ошно тутиниб кам бўлмади. Соғлом, тетик. Ўз ҳаётидан мамнун. Ўғли Жаҳонгир Байрақдаров унинг энг яқин ёрдамчиси. Дарвоқе, Жаҳонгир ҳам спортнинг бокс тури билан шуғулланади. Марафонча юриш устасининг қатъияти, шижоати ибратлидир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

**ТАДБИР**

*Самарқанд давлат университетида фиточойлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мазкур олий ўқув юртининг табиий фанлар факультети талабалари томонидан турли гиёҳ ва мевалардан тайёрланган шифобахш дамламалар намойиш этилди.*

# Хуштаъм ва шифобахш

Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, табиий гиёҳларнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги ўрни беқиёс. Серқуёш заминимизда эса уларнинг кўплаб ноёб турлари учрайди. Масалан, биргина мойчечак дамламаси шамоллаш ва йўталда, шунингдек, ошқозон, жигар, нафас йўллари, тери касалликлари ҳамда моддалар алмашинувини тиклашда яхши самара беради. Эман пўстлоғи, макка попуги, кийикўт, наъматак меваси, далачой каби неъматларнинг ҳам шифобахш хусусиятлари кўп.

Тадбирда иштирокчилар фиточойлардан баҳраманд бўлиш баробарида, уларни тайёрлаш жараёни билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси
махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.
«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси
махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.




www.doosaninfracore.uz
Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.
Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.
Савдо бўлими
Тел.: (+99871) 200-00-27/28.
(+99890) 805-60-52/53.
E-mail: doosansales@uztow.com
Сервис хизмати
Тел.: (+99871) 200-00-26,
(+99890) 189-71-54, 968-71-79.
E-mail: servicedoosan@uztow.com
115R/69

---

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Қибрай»
клиник санаторийси



юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.
Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.
Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.
Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.
02R/955

«FPI DELIVERY SERVISE» МЧЖ
боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ва камхаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.
Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от кучига эга. Дизель ва бензин ёнилғисида ишлайди.



Маҳсулотлар сертификатланган.
Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотариал идора).
Маълумот учун тел.:
(+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62,
(0-371) 234-42-17.
884R/449

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгаши жамғарманинг Жиззах вилояти бўлими Кенгаши раиси Норқул Нушаровга падари бузруквори
**БОЗОРБОЙ** отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 041 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5